

# Хабар

15  
(916)-son

9-aprel

www.xabar.uz  
info@xabar.uz  
xabar@uzpak.uz

2010

O'ZBEKISTON ALOQA VA AXBOROTLASHTIRISH AGENTLIGI NASHRI

1992-yil martdan chiqa boshlagan

## Аҳоли учун қулайлик: Барча давлат хизматлари бир ойнада

Пойтахтимизнинг Сергели туманида Ўзбекистонда биринчи ахборот-коммуникация технологияларини қўллаган ҳолда интерактив шаклда давлат хизматларини кўрсатувчи Ягона ойна маркази очилди.

Ушбу тажриба лойиҳаси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 23 августда қабул қилинган "Давлат ва хўжалик бошқаруви, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда юридик ва jisмоний шахслар билан ўзаро ҳамкорлигини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ва мамлакатимиз ҳуқуқмати ҳамда БМТнинг Ўзбекистондаги Тараққиёт дастури томонидан тасдиқланган 2010-2015 йилларда мамлакатга доир дастурни амалга ошириш бўйича ҳаракатлар режаси ижросини таъминлаш доирасида амалга оширилди.

3-бет



Рухиева

### ХАТ ОРТИДА ИНСОН БОР...

"Ўзбекистон почтаси" ОАЖ Навоий филиали ташаббуси билан Кармана тумани ва Навоий шаҳрида филиал бўлим бошлиқлари, туман, шаҳар почта алоқаси тармоқлари бошлиқ ўринбосарлари, тармоқ бош ҳисобчилари ва ПХХ техниклари иштирокида ўтказилган кўчма семинар Ўзбекистон Республикасининг "Фуқароларнинг муурожаатлари тўғрисида"ги Қонуни ижросини таъминлашга бағишланди.

Ўқув семинарида филиал директори ўринбосари Завқилдин Гуломов бугунги кунда почта алоқаси хизматларидан фойдаланувчи мижозларга замонавий тезкор ва юқори сифатли почта алоқаси хизматларини кўрсатиш жараёнини бевосита амалга оширувчи почта алоқаси ходимларининг ҳуқуқий билим ва маалакаларини мунтазам равишда ошириб бориш муҳим аҳамият касб этишини таъкидлаб ўтди.

Филиал ташкилий-ҳуқуқий бўлими бошлиғи М.Ҳасанова эса маърузасида "Фуқароларнинг муурожаатлари тўғрисида"ги қонуннинг почта алоқаси соҳасида хизмат кўрсатаётган ходимларнинг меҳнат фаолиятида долзарб ҳуқуқий норма эканлигини, фуқароларнинг ҳар қандай кўринишга эга муурожаатларини қайд қилиш ва иш юритишда қандай ҳолатларга эътибор бериш ва муурожаатларни кўриб чиқиш жараёнида эътибор қаратилиши лозим бўлган жиҳатларга, бир сўз билан айтганда, ҳар бир хат ортида инсон борлигини унутмаслик лозимлиги ҳақида батафсил тўхталиб ўтди.

Маруся ҲОСИЛОВА,  
"Хабар"нинг  
Навоий вилоятидаги мухбири



Алоқа оламида:

### Сўнгги янгилик!

Жанубий Кореянинг Кванжу Фан ва технологиялар институти олимлари биринчи бўлиб 3D-шаклдаги китобни чиқаришди. У корейс болалар эртақларининг икки нашрини ўз ичига олган.

Китоб иллюстрацияларида махсус белгилар бўлиб, улар фақат махсус кўзойнак таққан ўқувчига кўринадиган 3D анимацияни "жонлантиради".

Лойиҳа устида олимлар уч йил излашди.

Кореяда, шунингдек, 4D-шакл ҳам ишлаб чиқилган бўлиб, унда Жеймс Кэмероннинг "Аватар" филми намоиш этилганди.

### Ушбу сонда:

- "Сирдарё Телеком"га тавсиялар 2
- Диққат, танлов: Эҳтиром 4-5
- Инновационные проекты от разработки до внедрения 6
- Танганинг икки томони ёки Apple iPad ҳақида 11
- Мен ўзингизникиман 16

Теледастурлар, спорт, кроссвордлар

ИНТЕРНЕТ ХАМКОРИМИЗ

UzNet  
Internet Service Provider

— сифат рамзидир



## Umadan Umagacha

Матбуотда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Қишлоқ жойлардаги болалар спорт объектларида банд бўлган аёл спорт устозлари меҳнатини рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори эълон қилинди.

5 апрел куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Оқсаройда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби Пан Ги Мунни қабул қилди. Учрашув якунида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти билан Шанхай Ҳамкорлик ташкилоти Котибиятлари ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги қўшма декларация имзоланди.

6 апрел куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Оқсаройда АҚШ Куролли Кучлари Марказий қўмондонлиги қўмондони Дэвид Петреусни қабул қилди. Мулоқот чоғида Ўзбекистон билан АҚШ ўртасидаги ҳамкорликни янада ривожлантиришга оид ҳамда томонларни қизиқтирган бошқа масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар қўмитаси томонидан депутатлар, вазирлик ва идоралар, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг раҳбарлари иштирокида Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг 2009 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботи кўриб чиқилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Таълим, соғлиқни сақлаш, ижтимоий муҳофаза, ахборот тизимлари ва телекоммуникациялар масалалари комплексининг 2010 йилнинг биринчи чорагида ижтимоий-иқтисодий ривожланиш якунларига бағишланган йиғилиши бўлиб ўтди.

Пойтахтимиздаги Халқаро ҳамкорлик марказида 6 апрел куни Ўзбекистон ва Вьетнам ишбилармон доираларининг бизнес-форуми бўлиб ўтди. Бизнес-форум якунида Ўзбекистоннинг қатор компания ва корхоналари ҳамда Вьетнам ишбилармон доиралари вакиллари иштирокида кооперацион биржа ўтказилди.

Қарши шаҳридаги ҳарбий қисмда аскарларнинг тантанали қасамёд қабул қилиш маросими ўтказилди. Унда Жануби-Гарбий махсус ҳарбий округи қўмондонлиги штабининг офицерлари, ота-оналар, кенг жамоатчилик ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Тошкент ислом университетиде “Соҳибқирон Амир Темурнинг жаҳон цивилизацияси ривожига ўрни” мавзуда илмий-амалий конференция бўлиб ўтди. Тадбир Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партиясининг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси, парламент кўйи палатасининг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари қўмитаси ҳамда Тошкент ислом университети ҳамкорлигида ташкил этилди.

Гулистон ва Жиззах шаҳарларида “Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми”, “Меҳр нури” жамғармалари ҳамда “Келажак овози” ёшлар ташаббуслари маркази ҳамкорлигида “Биз — бир жамоамиз!” шиори остида ёшлар анжумани ўтказилди. “Баркамол авлод йили Давлат дастури” доирасида ўтказилган мазкур акция 24 апрелга қадар юртимизнинг барча ҳудудларида бўлиб ўтади.

# Тантанали ўтказилди

Шу йилнинг 28 март куни Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги Махсус авария-тиклаш бошқармаси (15361-сонли ҳарбий қисм)да муддатли ҳарбий хизматга чакирилган ёш аскарларнинг ҳарбий қасамёд қилиш маросими тантанали равишда ўтказилди.



Махсус авария-тиклаш бошқармаси бошлиғи полковник Ў.Аҳмедов бўлинмалардан ҳарбий қасамёд қабул қилишга тайёрлиги тўғрисида баёнот олганидан сўнг муддатли хизматдаги ҳарбий хизматчиларга ҳарбий қасамёд қабул қилишга буйруқ берди. Шундан сўнг ҳарбий хизматчилар она Ватанимиз ҳимояси йўлида, аждодларимиз хоки ётган муқаддас заминнинг ҳар бир қарич тупроғини асраш, Президентимиз ва халқимиз ишончини оқлаш учун тайёрман, дея қасамёд қилишди.

Ҳарбий қисмга ташриф буюрган ота-оналар фарзандлари учун яратилган шарт-шароитлар, ўқув хоналари, аскарлар ётоқхоналарини кўздан кечириб, бошқарма ва раҳбарият номига ташаккурлар айтишди. Фарзандларининг қулай шароитларда хизмат бурчини ўташи ота-оналар қалбида яхши таассурот қолдирди.

**Н.СОЙПОВ,**

бошқарма тарбиявий ишлар бўлим бошлиғи, капитан

## Ижро интизоми — ютуқлар гарови

“Ўзбекистон почтаси” ОАЖ Навоий филиали мажлислар залида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 12 январдаги “Ижро интизомини мустақамлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ҳамда Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг 2009 йил 29 декабрдаги буйруғи билан тасдиқланган “Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги марказий аппаратида иш юритиш ва ҳужжатлар ижросининг назоратини ташкил этиш йўриқномаси” талабларининг ижросини таъминлаш мақсадида ўқув семинар бўлиб ўтди.

Унда филиал ходимлари, туман, шаҳар почта алоқаси тармоғи бошлиқлари ўринбосарлари, иш юритувчилар иштирок этди.

Тадбир давомида мавзун мустақамлаш юзасидан тайёрланган кўргазмали материаллар, мавзуга доир савол-жавоблар, қизғин баҳс-мунозаралар масъулларнинг мустақил иш тажрибаларини ортиришига ёрдам бериши табиий.

Ўз мухбиримиз

## ➔ DAVLAT ALOQA INSPEKSIYASIDA

# “Сирдарё Телеком”га тавсиялар

Давлат алоқа инспекцияси ва “Ўзбектелеком” акциядорлик компанияси ўртасида телекоммуникация соҳасида ҳамкорликда ишлаш бўйича ўзаро келишув мавжуд.

Келишувга асосан, қонун ва норматив ҳужжатлар, лицензия келишуви, давлат ва тармоқ стандартлари талабларининг бажарилиши юзасидан 2009 йилда “Сирдарё Телеком” филиали ва филиал тасарруфидаги Янгиер, Гулистон шаҳри ва Ховос туман телекоммуникациялар боғламаларида ҳамкорликда ўрганишлар ўтказилди. Натижада мазкур телекоммуникациялар боғламалари раҳбарлари ўз вазифаларига эътиборсизлик билан қараганликлари сабабли юзга келган камчиликлар аниқланди.

Хусусан, Янгиер шаҳар ва Ховос туман ТБда кабел носозлиги туфайли мижозлар телефонлари ишламаслиги назорат муддатларида бартараф қилинмаган. Бирламчи ҳужжатлар “Шаҳар телефон тармоқларида аризаларни ҳисобга олиш ва шикастланишларни бартараф қилиш тўғрисида”ги йўриқнома асосида олиб борилмаган, яъни назорат ва абонент варақлари ўз вақтида тўлдирилмаганлиги сабабли мижозлардан тушаётган мурожаатлар назорат муддатларида ҳал этилмаган.

Янгиер шаҳар ТБнинг тарқатиш жавонлари ички ва ташқи эшиклар билан таъминланмаган, кудуқлар устки ва ички қопқоқлар билан беркитилмаган, кудуқларда профилактика ишлари ўз вақтида олиб борилмаган. Боғла-

мага қарашли магистрал кабеллар сигнализация остига олинмаган, тарқатиш жавонларидан чиқарилган кабеллар ҳимояланмаган ва кудуқлар қопқоқлар билан беркитилмаганлиги сабабли 2009 йилнинг август ойида 5та, декабр ойида 13та кабел ўтриликлари содир этилган. Натижада 1291 нафар мижознинг телефонлари ишдан чиққан.

Гулистон шаҳар ва Ховос туман телекоммуникациялар боғламаларида магистрал кабеллари ўз вақтида доимий ҳаво босими остига олинмаганлиги линия-кабел ҳўжалигида кабелларнинг шикастланишига олиб келган.

Филиал тасарруфидаги шаҳар ва туман телекоммуникациялар боғламалари ходимлари орасида соҳага оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг талаблари атрофлича ўқиб-ўрганиш бўйича машғулотлар ташкил этишга, алоқа ва ахборотлаштириш соҳасида истеъмолчилардан келиб тушаётган мурожаатларнинг ўсишига йўл қўймаслик ва хизматлар сифатини яхшилашга доир зарур чора-тадбирлар режаси филиал раҳбарияти томонидан белгиланиб, мазкур режанинг бажарилиши таъминланади ҳамда зарур хулосалар чиқарилади, деган умиддамиз.

Сирдарё вилояти Давлат алоқа инспекцияси томонидан телекоммуникациялар боғламаларида ҳамкорликда ўтказилган ўрганишлар жараёнида аниқланган камчиликларни бартараф этиш юзасидан “Сирдарё Телеком” филиалига тегишли тавсиялар берилди ҳамда бажарилиши назоратга олинди.

**С.ДУСЧАНОВ,**

Сирдарё вилояти ДАИ бошлиғи



(Давоми. Бошланishi 1-бетда.)

Ягона ойна маркази давлат хизматларини кўрсатиш бўйича янгича ёндашув бўлиб, шу орқали расмийчилик жараёнларини камай-тиришга кўмаклашади. Мазкур янгиликнинг моҳияти шундан иборатки, аҳолига кўрсатиладиган кўплаб давлат ва жамоат хизматлари бир жойда жамланади, фуқаролар эса шу ернинг ўзида қимматли вақтини йўқотмасдан маълумотнома, лицензия, аккредитация ва бошқа хизматлардан баҳраманд бўладилар.


Ушбу марказни очиш бўйича илк қадам 2009 йил 25 июнда ташланган эди. Тошкент шаҳрининг Сергели туманида Ягона ойна маркази яратиш доирасида БМТ Тараққиёт Дастури, Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги ҳамда Тошкент шаҳар Сергели тумани ҳокимлиги ўртасида Ўзаро ҳамфикрлик меморандуми имзоланганди. Шу билан АКТдан самарали фойдаланиш ҳисобига давлат хизматларини тақдим этиш учун Сергели туманида Ягона ойна маркази яратиш билан боғлиқ чора-тадбирларни амалга оширишда ҳамкорлик қилиш учун пойдевор қўйилди.

Мана, орадан салкам бир йил ўтиб, марказ ўз фаолиятини бошлади. Шу муносабат билан ўтказилган матбуот анжуманида таъкидланишича, лойиҳа мамлакатимизда илк бор амалга оширилаётгани сабабли хоризж тажрибалари синчковлик билан ўрганилди. Жумладан, 2009 йилнинг ноябр ойида Ягона ойна марказини ташкил қилиш ташаббуси доирасида Вьетнамга ўқув сафари уюштирилди. Сафарнинг асосий мақсади Вьетнамнинг давлат бошқарувини ислоҳ қилиш ва аҳолига давлат хизматларини кўрсатишдан Ягона ойна марказларини ташкил қилиш тажрибаларини ўрганишдан иборат эди. Ушбу танишув сафари доирасида делегация Вьетнамнинг давлат бошқарувини ислоҳ қилишга алоқадор асосий вазирлик ва ташкилотлариди бўлиб, у ерда учрашувлар, тақдирот ва муҳокамалар давомида Вьетнамдаги Ягона ойна марказларини ташкил қилиш ва юриштишнинг ташкилий тузилмаси ҳамда қонуний асослари, уларнинг техник жиҳатдан таъминланганлиги, фаолиятини назорат қилиш механизми борасида тажриба алмашдилар. Таъкидлаш лозимки, 2003 йил Вьетнам ҳукумати томонидан Ягона ойна марказларини ташкил қилиш бўйича қабул қилган қарор мамлакатда давлат ходимлари ва аҳоли ўртасидаги алоқани тубдан ўзгартиришга олиб келди, давлат хизматлари кўрсатишда қоғозбозликнинг кескин қисқаришига туртки бўлди. Вьетнам ташрифидан олинган маълумот-

лар таҳлили асосида Ўзбекистондаги илк лойиҳада бир қатор муҳим ишлар бажарилди.

Матбуот анжуманида, шунингдек, марказ фаолиятига доир тақдимот намойиш қилинди ҳамда журналист ва мутахассисларни қизиқтирган саволларга батафсил жавоблар берилди.

Марказнинг очиш маросимида Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги Бош директори Ҳ.Муҳитдинов, БМТ Тараққиёт дастурининг Ўзбекистондаги доимий вакили Анита Нироли, Сергели тумани ҳокими М.Абдуллаев иштирок этиб, аҳолига интерактив шаклда турли хизматлар кўрсатиладиган янги тузилма-



Мижозларга хизмат кўрсатиш бўлимлари.

## Аҳоли учун қулайлик:

# Барча давлат хизматлари бир ойнада



Марказга марҳамат!

нинг ташкил этилганини мамлакатимизда ахборот жамиятини шакллантириш, барча соҳаларда энг илгор ахборот-коммуникация технологияларини жорий этишга доир салмоқли ишлар амалга оширилаётгани исботи сифатида эътироф этишди.

Ленталар кесилиб, тadbир иштирокчилари Ягона ойна маркази билан яқиндан танишишга таклиф этилдилар.

Марказ ажойиб тарзда жиҳозланиб, ташриф буюрувчилар учун барча қулайликларни ўзида жамлаган. Бу ерда ҳозирча фуқаролар билан ишлаш учун олтига ойна мавжуд, кейинчалик уларнинг сони кўпайтирилади. Ходимлар учун тўлиқ дастурий таъминотга эга компютерлар, мижозлар учун эса сенсорли ахборот кюскалари, катта электрон ахборот табло ўрнатилган. Ўз-ўзига хизмат кўрсатувчи бўлимда фуқаролар компютердан мустақил фойдаланиши, марказ сайти — www.bigoyna.uz орқали ўзлари учун керакли маълумотларни олишлари мумкин. Имконияти чекланган кишилар учун ҳам қулайликлар кўзда тутилган. Девоорларга турли фойдали маълумотлар осилган.

Ушбу ташаббуснинг амалга оширилиши натижасида марказ фуқароларнинг талабларини қабул қилиб олиши, турли давлат органлари билан мустақил ҳамкорлик қилиши, сўнгра фуқароларга тайёр хужжатларни тақдим этиши имкони яратилди. Марказ биносиди давлат божларини тўлаш, турли пуллик давлат хизмат-

ларини амалга ошириш учун “Алоқа-банк” бўлими очилган. Энди тумандаги ҳар бир фуқаро ортиқча оворагарчиликларсиз, вақтини беҳуда кетказмасдан ишга жойлашиши, тadbиркорлик фаолияти, солиқ бўйича масалаларни ҳал этиши, давлат кўчмас мулк кадастри, коммунал, ижтимоий ва бошқа масалалар юзасидан маълумотлар олиши мумкин.

— Ягона ойна маркази давлат хизматларини кўрсатишда янгича ёндашув бўлиб, унга давлат хизматларига муҳтож фуқаролар мурожаат қилиш-

лозим. Янги марказ эса фуқароларга барча хужжатларни шу ернинг ўзидан олиш имконини яратади.

Ягона ойна марказида 80дан ортиқ хизмат турлари йўлга қўйилган бўлиб, уларнинг 20дан ортиги интерактив шаклда, яъни интернет тармоғи орқали амалга оширилади. Бунинг учун туман газ, ижтимоий таъминот, халқ таълими бўлимлари, энергия таъминоти, соғлиқни сақлаш каби хизматлар, тadbиркорлик фаолиятини рўйхатга олиш бўйича ҳокимлик бўлими ва унинг бошқа бўлинмалари ходимларидан иборат йигирмалдан ортиқ мутахассислар жалб қилинган.

Эътироф этиш лозимки, бу ишларга касб-ҳунар коллежлари битирувчилари ҳам жалб этилган. Шаҳноза ва Севара пойтахтимиздаги коллежларда тахсил олган ёшлардан. Улар республикамизда мутлақо янги ҳисобланган марказда иш бошлашганидан жуда мамнун. Уларнинг муомаласидан, ўз касбига ёндашувидан ишга чанқоқ интилувчан эканликларини англаш қийин эмас. Ўйлаб тенгдошлари орасидан танлаб олинган бу ёш мутахассисларга шу бугундан оқ ижтимоий масалалар бўйича илк мурожаатлар туша бошлади. Ортиқча ҳаяжонсиз ишга киришишиди. Чунки улар марказнинг барча мутахассислари қатори ахборот-коммуникация технологиялари билан ишлаш кўникмалари, фуқаролар, жумладан, имконияти чекланган кишилар билан амалий мулоқотда бўлиш, уларга хизмат кўрсатиш бўйича тренинг-курсларда қатнашиб, ўз билим ва кўникмаларини мустаҳкамлаб олишган.


Янги лойиҳа йил давомида янада такомиллаштирилиб борилади. Яна бир қатор хизмат турлари киритилади, турли давлат ташкилотларининг мазкур жараёндаги иштироки таъминланади. Бир сўз билан айтганда, АКТ имкониятларидан фойдаланган ҳолда аҳоли ва тadbиркорларга кенг қулайликлар яратадиган Ягона ойна маркази ривожлантирилиб, уни мамлакат миқёсида кенгайтириш масаласига алоҳида эътибор қаратилади.



Ёш кадрларга ишонч билдирилди.

лари мумкин, — дейди БМТТД “АКТ сисёати” лойиҳаси менежери Санжар Саилхўжаев. — Одатий жараёндан фарқли ўлароқ, Ягона ойна марказида турли хизматлар бир жойда, яъни бир “ойна” орқали кўрсатилади. Масалан, одатда маълум бир маълумотномалар олиш учун бир неча расмийга, ҳаттоки бир неча идорага мурожаат қилиш

Лутфилло ТУРСУНОВ



Мижозлар интернетдан эркин фойдаланишлари мумкин.



## INTERNET

**"КЎХНА ҚИТЪА" СИНОВЛАРИ**

Microsoft Internet Explorer веб-браузерининг Европа йирик мамлакатларидаги улуши камайиб бораётган. Албатта, бунда монополияга қарши курашувчи ташкилотларнинг ҳам "ҳиссаси" катта.

Сўнгги бир ой мобайнида Буюк Британияда IEдан фойдаланувчилар сони 2,5, фоизга, Германияда 1,3, Францияда 1 фоизга озайган. Масалан, Буюк Британия браузерлар бозорининг 60 фоизини Internet Explorer банд қилиб турибди, қолганлар: Mozilla Firefox — 26, Safari ва Chrome — 5, Opera — 1 фоиздан сал кўпроқ улушга эга.

Opera компанияси ўз браузерига қизиқиш кескин ошганини маълум қилган. Хусусан, Европада бу браузерни юклаб олиш ўртача икки бараварга кўпайган бўлса, Полша, Италия ва Испанияда уч бараварга ошган.

Умуман олганда, шу кунларда Европа браузерлар бозорининг 46 фоизи IE назорати остида, Firefox — 39, Opera — 6, Chrome — 4 фоизлик улушга эга.

## E-РОСНТА

**ХАВОТИР ЎРИНЛИМИ?**

Ахборот хавфсизлиги масалалари билан шуғулланувчи Symantec компанияси электрон почта яқин йилларда бутунлай йўқ бўлиб кетиши мумкин деган хавотирда.

Бунга спам сабаб қилиб кўрсатилган — компаниянинг аниқлашчи, ҳозирги кунда электрон почта умумий трафикида унинг улуши 90 фоизни ташкил этмоқда (2002 йили 20 фоиз эди).

## ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯЛАР

**НЕМИСЧА СТРАТЕГИЯ**

Deutsche Telekom (Германия) телекоммуникациялар бозорига янги стратегияни амалга оширишга киришганини маълум қилди. Энди компания кенгайтирилган сервис портфелига эга оператор сифатида ўзини намойиш этади.

Компания келгуси уч йилда уч асосий йўналиш: оптик улашиш тармоқлари (FTTH)ни яратиш, мобил тармоқлар инфратузилмасини замонавийлаштириш ҳамда хизматлар кўрсатиш технологиялари соҳасини ривожлантиришга 10 миллиард евро миқдорда сармоя сарфлашини маълум қилган.

## TV

**АНДРОИД-ТЕЛЕВИЗОР**

Швециянинг People of Lava компанияси Android 1.5 амалиётлар тизимини қўлловчи Scandinavia телевизори тақдиротини ўтказди. Хабарларга кўра, жорий йилнинг сентябр ойида сотувга чиқариладиган бу телевизорларга 42, 47 ва 55-дюймлик экранлар ўрнатилади.

Бу телевизорлар орқали теледастурларни томоша қилиш билан бирга, интернетга улашиш мумкин.

## TECHNOLOGIYALAR

**Microsoft ЭНЕРГИЯНИ ТЕЖАЙДИ**

Ford Motor ва Microsoft компаниялари томонидан электр энергиясини тежовчи махсус ечим ишлаб чиқиш ҳақида келишув имзоланди. Янги сервис — бу Microsoft Nohm платформасининг кенгайтирилган кўриниши бўлиб, унинг ёрдамида автомобилчилар машинани бошқаришга аккумулятор қанча энергия сарфлаётганини билиб олишади.

## 3D

**КЎЗОЙНАК КЕРАК ЭМАС...**

Япониянинг Sharp компанияси кўзойнақсиз томоша қилиш мумкин бўлган янги 3D дисплей ишлаб чиқди.

Суяқ-кристалл дисплейнинг диагонали 7,5 сантиметр бўлиб, 30 сантиметр узоқликдан мобил қурилмалардаги анимация ва фотони уч ўлчамли шаклда томоша қилиш имкониятини беради. Sharp вакили Есуке Хасэгавининг айтишича, янги технологиядан келажакда телевизорларда ҳам фойдаланиш устида ишлар кетяпти.

## XAVFSIZLIK

**MMS-ВИРУС**

Хитой оммавий ахборот воситаларининг хабар тарқатишчи, мамлакатда яқинда ўта хавфли мобил вирус пайдо бўлган. "MMS Bomber" деб ном олган бу вирус миллионлаб қўл телефонларини зарарлашга улгурган.

Вирус S60 3rd Edition амалиётлар тизимида ишловчи мобил қурилмалар учун хавфли — булар, асосан, Samsung ва Nokia русумидаги смартфонлардир.

MMS Bomber мобил илова остида ниқобланган бўлиб, телефон хотирасига ўрнашиб олгач, автоматик равишда интернетга боғланиши ва дуч келган мобил телефон рақамига MMS-хабар жўната бошлайди. Бу хабар замирида зарар келтирувчи манбага ҳавола жойлашган бўлади.

Қурилма зарарлангани ҳақида фойдаланувчилар одатда мобил интернет-трафик ва MMS хизмати учун тўловнома олганларида хабар топишади.

**Эъзозга лойиқ**

**Иккинчи жаҳон урушининг тугаганига ҳам, мана, 65 йил тўляпти.**



Бугунги авлод китобларда ўқиб ёки киноларда кўриб мазкур уруш ҳақида тасаввурга эга бўлиши мумкин. Лекин сафлари йил сайин озайиб бораётган Иккинчи жаҳон уруши иштирокчи ва ногиронлари ҳам борки, улар ҳикояларини тингламоқ, бу ҳикояларни ёшларга етказмоқ, уруш даҳшатларининг жонли гувоҳи бўлиши азиз инсонларга иззат-икром кўрсатмоқ кони савобдир.

"ТШТТ" филиали касабга уюшмаси кўмитаси раиси Асқар Абдуллаев ҳамроҳлигида уруш қатнашчиси Юрий Кашерников хонадонига бўлди. Қадрдон корхонаси вакилини кўриб, Юрий Анатольевичнинг кўзларида қувонч пайдо бўлди. Филиал раҳбариятининг доимий эътибори учун миннатдорчилик билдирди. Салкам 90 йиллик умри давомида кўпга оғир кунларни бошидан кечирган ота-хон умр йўллари ҳақида ҳикоя қилар экан, гарчи немис-фашистлари ташлаган снаряд туфайли бошидан оғир жараҳат олган, узоқ муддат ҳушсиз ётиб, сўнгра даво муолажалари туфайли зўрға ўзига келган бўлса-да, хотираси панд бермаётганига гувоҳ бўлди.

... 1941 йилнинг куз ойлари. Немис-фашистлари шиддат билан Москва шаҳри томон ҳаракат қилаётган пайт. Эндигина 17 баҳорни қаршилаган Юрани 29-темир йўл ротасига қабул қилинди. Ротага энг маъсулиятли вазифа — шикастланган жойлардаги релсини янгиллаш топширилган эди. Навбатдаги топшириқни бажараётган пайтида даракт шох-шаббалари остида иш олиб боришларига қарамай, фашистлар сезиб қолдишди ва кетма-кет снаряд ёғдиришди.

— Мен билан йўл таъмирлаётганлар ичида ёшлар ҳам, уйда рафикаси-ю, фарзандлари кутаётган ўрта ёшлар ҳам бор эди. Уларнинг қўлчилиги менинг кўз ўнгимда қонга беланиши. Даҳшатдан қўлоқларим эшитмай, кўзларим кўрмай қолган эди гўё. Яқин дўстимнинг инграшидан ўзимга келдим. "У тирик, хавфсиз жойга олиб ўтиш керак", деган фикр келди хаёлимга. Секун судрай бошладим. Навбатдаги снаряд менинг олдимда портлади. Елкадан ушлаб, судраб кетаётганим дўстим учиб кетди. Кейин шифохонада ўзимга келдим.

Юрий Анатольевичнинг кўзлари ёшланди. У қанча ўзини тутишга ҳаракат қилмасин, туйғулари ўзига бўйсунмас...

— Бундай кунлар бошқа так-

дорланмасин ишқилиб, — деди у ўзини тутиб олган экан. — Бизнинг авлод бошига тушган кунлар ҳеч кимнинг бошига тушмасин.

Юрий Кашерников урушдан сўнг Москва молия институтига ўқишга кирди. Лекин жараҳати ўқтин-ўқтин кучли оғриқ берар, шундай пайтларда ўзини қўйгани жой топа олмай қоларди у. Институтнинг бешинчи, сўнгги босқичида ўқийганида яна бош оғриги азоб бера бошлади. Шифокорлар иссиқ ўлкада яшашни маслаҳат беришди.

— Ўқишни ташлаб, Ўзбекистонга йўл олдим, — дейди Ю. Кашерников. — Тошкентга келиб, "Тош-Текстильмаш" заводида лойиҳачи муҳандис бўлиб ишладим. Сўнг алоқа соҳасига ишга ўтдим. Бир неча йил "ТШТТ" филиали ахборот ҳисоблаш марказида ишладим. Сўнг пенсияга чиқдим. Севимли корхонам раҳбарларидан миннатдорман. Улар байрам дастурхонларига биз уруш қатнашчиларини ҳам таклиф этишади, ҳурмат-эътибор кўрсатишади. Уйимга келиб ҳам аҳволимдан бохабар бўлишади.

— Ўзбеклар юртимиз куёши каби меҳри қайноқ одамлар, — дея суҳбатга қўшилди Юрий Анатольевичнинг рафиқаси Анастасия Михайловна. — Бизни маҳалла аҳли ҳам гоғт ҳурмат қилади. Улар бизга "Юра ака, Анна опа", дея мурожаат қилишса, кўнглимиз тоғдек кўтарилади. Маҳаллада бирор талбир бўлса, албатта, таклиф этишади. Биз кексалар учун эътибордан муҳим, эъзоздан қадрли нарса йўқ, аслида. Биз шундай жаннатмонанд юрда яшаётганимиздан бахтиёрмиз.

Ҳа, сиз ҳурмату эъзозга лойиқ инсонларсиз, азиз Иккинчи жаҳон уруши иштирокчилари! Сизнинг ҳаёт йўлингиз ёшлар учун ҳамisha ибрат бўлиб келган. Улар Сизлар билан ҳар қанча фахрлансалар арзийди. Азиз бошингиз омон бўлсин, дейишади ҳамма вақт.

Муборак МИРКАМОЛОВА

**Хикоят**


Жасур одамлар каби иш қилинг ва қийинчиликларни жасорат билан қарши олинг.

ХОРАС



**Николай Игнатъевич Редко**  
 Мирзачўлдан фронтга отланганида хали ақл тиши чикмаган 18 яшар бўз бола эди. Унинг отаси Игнат Осипович Редко урушдан олдин Ўзбекистонга келиб жойлашиб қолган, касби агроном эди. Мирзачўлда ундан қанчадан-қанча боғроғлар, полиззорлар қолди. Николай ҳам отаси ёнига кириб тажриба ҳўжалигида дала қоровули бўлиб ишларди. Уруш унинг тинч ҳаётига рахна солди.

## Фахрийларнинг бири



тинанинг оиласи билан бирга кексалик гаштини сурмоқда. Йигирмадан ортиқ набира ва чевараларнинг бобоси. Фарзандлари ҳамдўстлик мамлакатларининг турли гўшаларида истиқомат қилишади. Улар билан телефон орқали тез-тез боғланиб туради.

— Қадрдон ишхонам — 3-шаҳарлараро ма-

гистрал алоқа техник боғламаси ва унинг раҳбари Алишер Ғамқуловдан мингдан-миг розиман, — дейди Николай Игнатъевич. — Ҳар байрамда совға-саломлар билан хабар олиб туради. Турли мавзуларда гурунглашиб кўнглимизни ёзамиз. Одам тафтини одам кўтаради, деган гап бор-ку. Утган ҳафта ҳаётимда қувончли воқеа юз берди. Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги Бош директори Ҳаким Муҳитдиновнинг ўзлари келиб, ҳол-аҳвол сўрадилар. Соҳа раҳбари алоқа тизимини ривожлантириш борасида ҳамда мамлакатимизда амалга оширилаётган ишлар ҳақида гапириб бердилар. Эшитиб, жуда хурсанд бўлдим. Шундай дорилмомон кўнларга етказганига шукр қилдим. Бу ғамхўрликдан бошим осмонга етди.

Дарҳақиқат, Николай Игнатъевич ҳали бардам ва тетик. У корхонада ўтказилаётган тадбирларда иштирок этиб туради. Ёшлар билан бўладиган учрашуларга қувониб боради. Уларни доимо ҳушёр ва сергак бўлишга, Ватан равнақи учун хизмат қилишни бахт деб билишга қақиради.

Муҳаммадали АҲМАД  
 Сирдарё вилояти

Николай Игнатъевични 1942 йилнинг августда хизматга қақаришди. У 3-ҳаво десант дивизиясида автоматчи бўлиб жангга кирди. Жангтоҳларда уч марта турли даражада жароҳат олди. Ҳар гал госпиталда даволаниб оёққа турарди-да, яна жанглар қизиб турган олдинги линияга ошиқарди. У 1 ва 2-Болтиқбўйи фронтларида автоматчи, пулемётчи, разведкачи бўлиб хизмат қилди.

Николай Игнатъевич галаба муждасини Руминияда эшитди. Ушанда қувонганларини сўз билан ифодалашга тил ожиз. Жангтоҳларда тобланган йигит 1947 йилгача хизматда қолиб кетди. Армиядан 2-даражали Ватан уруши ордени ва қатор жанговар медалларни тақиб қайтди.

Тинч меҳнат фронтини соғиниб қолган Николай шаҳд билан ишга киришди. Бир муддат қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини қабул қилиш пункти, кейинроқ геология қидирув гурӯҳида ишлади. 1963 йилдан, пенсияга чиққунга қадар, магистрал алоқа боғламасида меҳнат қилди.

Ҳозир отахон Гулистон туманидаги Ҳамид Олимжон номли СФУ марказида қизи Вален-

ДИҚҚАТ, ТАНЛОВ! ДИҚҚАТ, ТАНЛОВ! ДИҚҚАТ, ТАНЛОВ! ДИҚҚАТ, ТАНЛОВ!

# Э х т и р о м



Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги “Ҳотира ва қадрлаш” куни ҳамда Иккинчи жаҳон урушидаги Ғалабанинг 65 йиллиги нишонланиши муносабати билан Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларининг жасорати ва фидойилиги ҳамда уларнинг алоқа ва ахборотлаштириш соҳасидаги ўрни ҳақида “Хабар” газетасида ёритилган энг яхши мақола ва очерклар танловини эълон қилади.

### Танлов талаблари:

Танловга “Хабар” газетаси учун махсус ёзилган, алоқа ва ахборотлаштириш соҳасида самарали меҳнат қилган Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ҳамда меҳнат fronti иштирокчилари ҳақидаги мақола ва очерклар қабул қилинади. Бир муаллифдан қабул қилинадиган мақолалар сони чекланмаган. Мақолалар ўзбек ва рус тилларида ёзилиши мумкин.

Мақолалар қаҳрамонларининг фотосуратлари бўлиши шарт. Мақолалар адабий тил қодаларига амал қилинган ҳолда, раво ёзилган бўлиши лозим.

Танловга юборилган мақолалар “Хабар” газетасида чоп этиб борилади. Мақолалар 2010 йил 20 майга қадар қабул қилинади.

### Танлов ғолиблари қуйидагича тақдирланадилар:

Битта биринчи ўрин учун мукофот (600 минг сўм).

Иккита иккинчи ўрин учун мукофот (400 минг сўмдан).

Учта учинчи ўрин учун мукофот (200 минг сўмдан).

Шунингдек, рағбатлантирувчи мукофотлар ҳам тақдим этилади.

Танлов доирасида чоп этилган мақолалар муаллифларига қалам хаки тўланмайди.

Танлов ғолиблари Агентлик ва “Хабар” газетаси таҳририятида тузилган ҳайъат томонидан аниқланади. Таҳририят мақолаларга ўз муносабатини билдирмайди ва муаллифларга қабул қилинган қарор, юборган мақолалари чоп этилиши ёки этилмаслиги тўғрисида алоҳида тушунтириш бермайди.

Танлов иштирокчилари ўз мақолаларини “Хабар” газетаси танловига деб кўрсатган ҳолда info@xabar.uz электрон манзилига ёки 236-36-42 рақамига факс орқали, шунингдек, 100060, Тошкент шаҳри, Т.Шевченко кўчаси, 17-уй манзилига почта орқали жўнатишлари мумкин.

Мақола билан бирга қуйидаги маълумотлар кўрсатилиши лозим:  
 Муаллифнинг фамилияси, исми, отасининг исми. Ўқиш ёки иш жойи.  
 Яшаш манзили, телефони, e-mail.

Алоқа ва ахборотлаштириш соҳасида самарали меҳнат қилган Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ҳамда меҳнат fronti иштирокчилари рўйхати www.asi.uz сайтида эълон қилинади. Мақола ва очерклар шу рўйхат асосида тайёрланиши мақсадга мувофиқдир.





## Вручение сертификата на СМК

Со дня внедрения системы менеджмента качества и получения сертификата соответствия требованиям международного стандарта ISO 9001:2000 в Государственном унитарном предприятии «Республиканский Центр управления сетями телекоммуникаций Узбекистана» прошло 3 года. За это время руководство и коллектив Центра дважды подтвердили на инспекционных аудитах, что система менеджмента качества продолжает соответствовать требованиям международного стандарта ISO 9001:2000.

16-17 марта 2010 г. в Республиканском Центре управления сетями телекоммуникаций Узбекистана органом по сертификации систем менеджмента качества научно-исследовательского института стандартизации, метрологии и сертификации Агентства Устандарт, был проведен ресертификационный аудит на соответствие требованиям нового международного стандарта ISO 9001:2008 (O'z DSt ISO 9001:2009). Данный стандарт содействует принятию процессного подхода при разработке, внедрении и улучшении результативности системы менеджмента качества, с целью увеличения удовлетворенности потребителя путем выполнения его требований. Вне-

дрение требований нового стандарта в систему менеджмента качества Республиканского Центра управления сетями телекоммуникаций Узбекистана явилось логическим продолжением выбранного современного подхода к деятельности предприятия, разработанного при внедрении системы менеджмента качества три года назад.

В отчете о ресертификационном аудите системы менеджмента качества Республиканского Центра управления сетями телекоммуникаций Узбекистана были отмечены положительные свидетельства, такие как:

- регулярный анализ удовлетворенности потребителей;
- ведение документации системы менеджмента качества в соответствии с установленными требованиями, и ее понимание специалистами;
- высокая квалификация персонала, знание своих обязанностей и их строгое выполнение;
- наличие локальной вычис-



тельной сети, для взаимодействия между отделами с целью обеспечения своевременного и качественного выполнения возложенных на Центр задач и функций.

30 марта 2010 года Государственному унитарному предприятию «Республиканский Центр управления сетями телекоммуникаций Узбекистана» руководителем органа по сертификации систем менеджмента качества НИИСМС Воробьева Ольгой Викторовной вручен сертификат на систему менеджмента качества, свидетельствующий о соответствии требованиям международного стандарта ISO 9001:2008 (O'z DSt ISO 9001:2009). При вручении Сертификата присутствовали Представитель руководства по качеству, менеджер, начальники отделов и руководители процессов.

Хасан ХАЙДАРОВ

## Инновационные проекты от разработки до внедрения

В Центре научно-технических и маркетинговых исследований в течение 2007-2008 гг. проведена научно-исследовательская работа «Исследование проблем контроля целостности и охраны кабелей на линиях связи в распределительных сетях» под руководством профессора М.Мухитдинова, включенная в план приоритетных научно-исследовательских работ УзАСИ. В результате проведенной работы разработан аппаратно-программный комплекс «СОКСС-2006» для обеспечения контроля целостности телефонных кабельных линий. При осуществлении работ были проведены исследовательские, конструкторские и контрольно-технические испытания разработанных опытных образцов системы, с помощью которого компьютер оператора АТС используется, как аппарат контроля целостности кабельных линий.

Несмотря на использование известных методов и небольшую функциональность системы, практическая значимость разработки заключается в том, что разработан оригинальный и на ряде предприятий связи внедрен первый отечественный автоматизированный аппаратно-программный комплекс контроля целостности кабеля в распределительной сети связи.


Следует отметить, что разработанное устройство отличается простотой и значительно дешевле аналогичных зарубежных систем контроля целостности кабельных линий.

В рамках 2-ой Республиканской ярмарки инновационных идей и проектов с АК «Узбектелеком» заключен договор на поставку и установку в течение 2009-2010гг. 20 комплектов системы на АТС в различных регионах республики. В рамках НИР и заключенного договора система установлена в ряде АТС АК «Узбектелеком», например г. Фергана, г. Андижан, г. Коканд, а так-



же на АТС НГМК г. Навои. В настоящее время проведены работы по установке системы на 3-х АТС в г. Наманган. Испытания системы показали, что система успешно функционирует и позволяет осуществлять оперативный контроль целостности кабельных линий связи. При организации системного контроля аппаратно-программный комплекс предоставляет возможность осуществлять контроль состояния кабельных линий через централизованный диспетчерский пункт, что позволит повысить масштабность и оперативность контроля на нескольких АТС одновременно.

Р.САЙФУЛИН  
начальник отдела  
ГУП «UNICON.UZ»



ДАТАЦЕНТР  
UZINFOCOM  
ВЫСОКОТЕХНОЛОГИЧНАЯ ИНФРАСТРУКТУРА

«ГОДНАЯ  
АКЦИЯ»

ДАТАЦЕНТРА  
СКИДКИ НА ВСЕ УСЛУГИ!

Год назад, 31 марта, официально был запущен проект Датацентр\* UZINFOCOM. В честь этого события Центр UZINFOCOM запускает «ГОДную акцию», в рамках которой снижается стоимость на все услуги ДЦ. Акция будет длиться 3 месяца – с 31 марта по 1 июля 2010 года.

В акции могут принимать участие как юридические, так и физические лица. Чтобы стать участником акции, необходимо заключить договор на одну из предоставляемых Датацентром услуг: хостинг или co-location (размещение сервера клиента на территории Датацентра). При этом Вы получаете скидки:

Co-location (независимо от выбранного тарифного плана):

При оплате за 3 месяца – скидка 10%

При оплате за 6 месяцев – скидка 20%

При оплате за год – скидка 30%  
Хостинг (в зависимости от выбранного тарифного плана):

«Standart» (50 Мб) – скидка 10%

«Lux» (100 Мб) – скидка 15%

«Vip» (250 Мб) – скидка 20%

«Maxi» (500 Мб) – скидка 25%

Ознакомиться с тарифами можно на официальном сайте Датацентра [www.dc.uz](http://www.dc.uz)

**Примечание:** Чтобы принять участие в акции и получить скидки, необходимо предоставить подтверждение об ознакомлении с условиями акции (распечатка условий из СМИ, с сайта или даже устное подтверждение перед заключением договора).

Задать интересующий вопрос по данной акции можно на объединенной форумной площадке [uForum.uz](http://uForum.uz) в специальной теме.

**Справка**

Датацентра UZINFOCOM – высокотехнологичная площадка для размещения серверного и коммуникационного оборудования. Датацентр UZINFOCOM подключен к различным узлам связи (каналам) и обеспечивает клиентам качественный и высокоскоростной доступ, как к международным сетям передачи данных, так и к национальной сети TAs-IX (трафик внутри сети TAs-IX не тарифицируется и не лимитируется).

На сегодняшний день Датацентр предоставляет следующие услуги:

-хостинг

-co-location

Co-location – это комплексная услуга связи, включающая в себя набор сервисов по размещению серверного оборудования и соединению с интернетом. Центр размещает оборудование клиента на своей территории (Датацентре) и подключает его к каналам связи с высокой пропускной способностью. Услуга co-location позволяет размещение любых серверных приложений на базе оборудования заказчика.





ЎЗБЕКИСТОН

- 5.55 Кўрсатувлар дастури.
- 6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
- 7.00 «Иқлим».
- 7.05 «Олам ва одам» дастури.
- 7.50 «Патагония жануб ёри».
- 8.00 «Тавҳиднома».
- 8.45 - 9.45 «Мавнайт» дастури.
- «Болалар сайраси»:
- 9.45 «Болалар дунёси».
- 10.15 «Ёнғок новдаси», М/ф.
- 10.55 «Сизнинг адолатлигингиз».
- 11.00 «Ахборот».
- 11.15 «Савҳатга марҳаб!»
- 11.40 «Юртим бўйлаб» дастури.
- «Нақшанор қўлчилик».
- 12.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
- 12.50 «Йили».
- 12.55 «Ихор».
- 13.00 «Муҳаббат фасли», Т/с (Юрловчи қисм)
- 14.00 «Ахборот».
- 14.20 «Ватанпарвар».
- 15.00 Жаҳон мусикаси казinasиди.
- Д. Пучини. «Чино-Чино-Сан», 1-қисм.
- 15.00 «Менинг оилам».
- 16.25 «Стандарт ва сифат».
- 16.40 «Ўзбекистон табияти».
- 17.00 «Ахборот».
- 17.15 «Хўб ва қонинг».
- «Болалар сайраси»:
- 17.35 «Эрталаб» - яшилликга етаклар».
- 17.55 «Сизнинг адолатлигингиз».
- 18.00 «Олтин мерос».
- 18.10 Миллий сериал: «Қайтар дин».
- 18.50 «Ватан манзиллари».
- 19.15 «Йўлхоҳ».
- 19.20 «ТВ - шифокор».
- 19.25, 20.00, 20.55 Ўқитқлар.
- 19.30 «Ахборот», /рус/.
- 20.10 Миллий сериал: «Умидингиз сўндирма».
- 20.45 «Ватанимни қўлайман».
- 21.00 «Ахборот».
- 21.40 2010 йил - Барқамол авлод йили. «Мен вилликман».
- 21.55 «Бетховен вируси», Т/с.
- 22.35 «Иқлим».
- 22.45 «Мари Лестер», Т/с.
- 23.35 - 23.45 «Оқун».
- 23.45Кўрсатувлар дастури.
- 23.50 «Иқлим».
- 23.55 «Менинг оилам».
- 00.20 «Ватанпарвар».
- 1.00 «Ахборот», /рус/.
- 1.35 «Ватан манзиллари».
- 2.00 «Мен вилликман».
- 2.15 «Иқлим».
- 2.20 «Наҳосат олаим».
- 2.30 - 3.30 «Мазнавият» дастури.
- 3.30 «Салом, ёшлар!».
- 4.00 «Ахборот».
- 4.35 «Хўб манзаралари».
- 4.45 Телестарт: «Олтин девор».
- 5.25 «Ўзбекистон табияти».
- 5.45 - 5.55 «Оқун».

ДУШАНБА — 12 АПРЕЛ

- 16.20 «Миллий мультфильм».
- 16.30 «Ката танафузи».
- 17.00 «Шерлок Холмс ва доктор Ватсон», Б/ф. 1-қисм.
- 18.10 «Коралкоқ ёшлари».
- 18.30 «Қўшам навалар».
- 18.50 «ЎЗЕ».
- 19.00 «Давр».
- 19.30 Миллий сериал: «Туташ тақдирлар».
- 20.20 «Давр мазсури».
- 20.40 «Автопарул».
- 21.00 «Ўзалик ортида», Т/с.
- 21.55 «Иқлим».
- 22.00 «Давр».
- 22.30 Жаҳон киноси: «Калажаққа қайтиб», 1-қисм.
- 00.20 «Миллий мерос».
- Тунги кўрсатувлар

ЎЗБЕКИСТОН

- 7.25 Кўрсатувлар тартиби.
- 7.30 «Салом, Тошкент!».
- 8.35 «Нария салтанати», Б/ф.
- 10.25 Мумтоз навалар.
- 10.30 «Эсмеральда», Т/с 73-қисм.
- 11.00 «Карвонсарой».
- 11.10 «Саргузаштлар оролу».
- 11.30 «Прерия», Б/ф.
- 11.50 «Салом, Тошкент!».
- 14.00 «Дун» теледастури.
- 14.55 «Уйларим».
- 15.00 «Йўлхат».
- 15.10 «Эсмеральда», Т/с 74-қисм.
- 15.40 «Бу ҳам кино», Х/ф.
- 16.30 «Хўрқудини маслаҳати».
- 16.40 «Чангалзор арқонаси», М/ф.
- 17.20 «Карвонсарой».
- 17.30 «Болаликка қайтиб».
- 17.55 «Уйларим».
- 18.00 «Йўлхат».
- 18.20 Миллий сериал: «Узи уйламаган соғин», 25-қисм.
- 18.45 «Тошкентнинг итм мазливарини».
- 19.00 «Адолат таровиси», Т/с.
- 20.00 «Йўлхат».
- 20.20 Бизнинг «Йўлхат».
- 20.25 «Телекўрар-маркет».
- 20.35 «Анчақ влгон», Т/с.
- 21.05 «Аёл қалби».
- 21.25 Мумтоз навалар.
- 21.30 «Йўлхат», /рус/.
- 21.50 «Будьте здоровы!».
- 22.00 «Телекўрар-маркет».
- 22.10 Кино SМS оо аэвдидими.
- 22.15 «Сокровища Амазонки», Х/ф.
- 23.55 Кўрсатувлар тартиби.
- 00.00 «Йўлхат», /рус/.
- 00.20 «Мысли вслух».
- 00.25 «Открытая дверь».
- 00.55 Ночной сеанс: «Встречное расхождение», Х/ф.
ўқув-методика бўлими бошлиғи

## Бурч ёки маънавий-ахлоқий маданият

Ёшларда маънавий-ахлоқий маданиятни тарбиялаш ва ривожлантириш — Ўзбекистонда давлат ва жамиятнинг энг муҳим вазифаси ҳисобланади. Маънавият шундай қимматбаҳо меваки, у бизнинг қадимий ва навқирон халқимиз қалбига ўз мустақиллигини тушуниб етиш ва озодликни севиш туйғуси билан мужассамлашган. Маънавият жаҳон мамлакатларида яшайётган халқларни кон-кардош қилади, уларнинг тақдирини ўзаро ҳурмат асосида яқинлаштиради.

Маънавият тақдирнинг эҳсонидир. Инсон ўз қалбига маънавият камол топши учун қалб ва виждонан, ақлий ва жисмоний меҳнат қилиши керак. Таълим-тарбия олдида кўйилган асосий мақсад ҳам умминсоний ва миллий қадриятларга таянган ҳолда таълим-тарбия мазмунини инсонпарварлик тамойиллари замирида ташкил этиш ва унинг узвийлиги, изчиллиги, илмийлиги ва дунёвийлиги асосида ёшларни маънавий-ахлоқий тарбиялашни назарда тутати. Маънавий-ахлоқий қадриятлар инсоннинг талаб ва эҳтиёжлари асосида ақл-заковат билан яратилган, уларнинг тасавури, тафаккури, келгуси орзу истаклари, эътиқоди, ахлоқ қоидаларини ўзида мужассам этган, амалий ҳаётда сайқал топган маънавий бойлик бўлиб, тарбиянинг таянч воситаси ҳисобланади.

Шу маънода, ёшлар тарбиясини маънавий-

ахлоқий қадриятлар билан уйғун ҳолда ташкил этиш ҳам назарий, ҳам амалий томондан муҳим аҳамиятга эга. Чунки, миллий қадриятлар шахсни вояга етказишда асосий омил ҳисобланади. Миллий ва умминсоний қадриятлардан тарбия жараёнида фойдаланишнинг мазмуни ва ўзига хос усуллари Шарқ мутафаккирларининг таълимий-ахлоқий асарларида ўз ифодасини топган.

Миллий ва умминсоний қадриятлардан тарбия жараёнида фойдаланишнинг яна бир жиҳати ёш авлодда миллий гуруҳни шакллантириш билан боғлиқ масалалардир. Хар бир ёшга шу Ватанда яшаш туйғусини, она замин, еру осмонни севиш, атроф-олам барчаси инсонга хизмат қилишини хис этиш ва бундан гуруҳлиниш туйғуларининг пайдо бўлишига ундайдиган қадриятлар санъат ва тарихий асарлар, бадиий адабиёт, халқ оғзаки ижоди, кино, театр, тарихий-мемориал обидалар ва бошқаларда ўз ифодасини топган ва булар ёш авлод онги ва қалбига бевосита самарали таъсир этади.

Қадриятлар асосида ёш авлоднинг маънавий-ахлоқий сифатларини шакллантириш, хусусан, интизомлик, иродалилик, олдига қўйган мақсадига интилиш, уларни яхши одатларга ўргатиш, ахлоқ-қоидалари билан таништириб бориш, яхшини ёмондан, мумкинни мумкин бўлмагандан ажратиб олишга ўргатиш, ҳаётни севишга, умуман олганда, комил инсонни тарбиялаш таълим-тарбия жараёнида амалга оширилади.

Бугунги кунда барчани уйлантираётган нарса ёшларимизнинг мустақил ҳаётга қай даражада тайёрлиги, уларда оилавий қадриятларга нисбатан муносабатларнинг қай даражада шаклланиши десак хато қилмаган бўлаемиз. Чун-

ки оилавий муносабатлар негизда маълум даражада инқироз юз бермоқда. Хўш, бунинг олдини олиш учун қандай ишлар қилишимиз мумкин? Ёшларимизни оилавий ҳаётга тайёрлашда оила, маҳалла ва педагоглар саъй-ҳаракатларини жиپлаштирган ҳолда иш олиб боришимиз зарур.

“Оила муқаддас даргоҳ”, “Яхши қиз — ёқалаги қундуз”, “Қалб гулшани”, “Оила иқтисоди”, “Қайнона келин муносабатлари”, “Оилада отанинг обрўси”, “Аёл хонадон фаришта-си”, “Оилавий бахтни қандай тушунаси?” каби мавзуларда суҳбатлар, баҳс-мунозаралар ўтказиш, айниқса, тўй маросимлари билан боғлиқ анъаналар мазмунига чуқур ёндашиш амалий фаолиятимизда яхши натижалар бермоқда.

Жамиятимиз ривожланишининг ҳозирги босқичида асосий вазифалардан бири, ёшларда юксак маънавий-ахлоқий маданиятни шакллантириш, ота-боболаримиздан қолган панд-насихатлар, момоларимиз асрлар оша амал қилиб келган урф-одатларимиз нақадар бой мазмунга эга эканлигини, аждодларимиз маданий меросини ёшлар онгига сингдириш педагогларимизнинг бурчидир.

Ёшларимизда маънавий-ахлоқий маданиятни шакллантиришда гуруҳ мураббийларимизнинг ҳиссаси жуда катта. Мураббийларимиз талабалар билан доимий тарзда таълим-тарбия ишларини олиб бориш жараёнида, уларга маънавият ва маърифат соатларида юксак инсоний фазилатларни, она Ватанимизга ва халқимизга миллий истиқлол гоғларига садоқат, миллий ва умумбашарий қадриятларга ҳурмат туйғуларини сингдириб бориш, маънавий-ахлоқий билимларини оширишни асосий мақсад қилиб олмоғи керак.

Н.ТАШЛАНОВА,  
ТАТУ Фарғона филиали гуманитар  
фанлар катта ўқитувчиси



Маълумки, юқори тезликдаги сигналларни узатиш ва қабул қилиш учун юқори даражада ўтказиш қобилиятига эга йўналтирувчи муҳит бўлиши керак. Бундай талабларга жавоб берадиган оптик алоқа воситаларига тенг келувчи воситалар ҳозирги кунда мавжуд эмас. Бундан ташқари, оптик алоқа тизимлари орқали катта ҳажмдаги ахборотларни хоҳлаган масофаларга узатиш мумкин.

# Оптик толали алоқа унинг афзалликлари ва қўллаш соҳалари

Оптик толали алоқа тармоғи — тугунлар ораси оптик алоқа линиялари орқали боғланган алоқа тармоғидир.

Ахборотни оптик линиялар орқали узатиш мис кабеллар ва бошқа узатиш муҳитларига қараганда бир қанча афзалликларга эга. Шунинг учун оптик толали алоқадан нафақат телефон алоқасини ташкил этишда, балки телевидениеда, овозли эшиттиришларни узатишда, ҳисоблаш техникасида, маълумот узатишда ва бошқа соҳаларда кенг фойдаланилмоқда.

Оптик толали каналларнинг афзалликлари қуйидагилардан иборат:

● **Ўтказиш оралиғининг кенглиги.** Бу ташувчи частотасининг жуда юқорилиги (1014 Гц) билан тушунтирилади. Битта оптик тола бўйлаб сонияда бир неча терабит ахборотлар оқимини узатиш имконияти мавжуд. Ўтказиш оралиғининг кенглиги оптик алоқанинг мис ва бошқа ахборот узатиш муҳитларидан устун турувчи энг муҳим афзаллиғидир.

● **Оптик толада ёруғлик сигналларининг кам сўниши.** Ҳозирги кунда қўлаб компаниялар томонидан ишлаб чиқарилаётган оптик толалар 1 канал километр ҳисобида 1,55 мкм тўлқин узунлигида 0,1 дБ/км дан ошмайди. Сўниш ва дисперсия қийматларининг кичиклиги оптик сигналларни алоқа линиялари бўйлаб регенерациясиз 100 км ва ундан узоқ масофаларга узатиш имконини беради.

● **Шовқиндан юқори ҳимояланганлик.** Шовқин сатҳининг кичиклиги оптик толанинг ўтказиш қобилиятини оширади. Оптик тола диэлектрик материаллар — кварц, кўп таркибли шиша, полимерлардан тайёрланганлиги учун электромагнит нурланишини индукциялаш хусусиятига эга, атрофидаги мис кабелли тизим ва электр қурилмалар (электр узатиш линиялари, электродвигателли ускуна ва бошқалар)нинг ташқи электромагнит шовқинларига таъсирчан эмас. Шунингдек, кўп толали оптик кабелларда кўп жуфтли мис кабелларга хос электромагнит нурланишларнинг ўзаро таъсири каби муаммолар юзага келмайди.

Бу афзаллиги туфайли оптик кабеллардан ишлаб чиқариш корхоналарида, бошқарув марказларида, ахборот узатиш тизимлари-



да фойдаланилади.

● **Енгиллиги, ҳажми ва ўлчамларининг кичиклиги.** Оптик кабеллар мис кабеллар билан солиштирилганда, анча енгил ва ҳажми кичик. Масалан, 900 жуфтли 7,5 см диаметри мис телефон кабелли 0,1 см диаметри битта оптик тола билан алмаштирилиши мумкин. Агар оптик тола бир неча ҳимоя қобикларидан иборат ва бирон пўлат тасма билан қопланган бўлса, бундай тола диаметри 1,5 см га тенг бўлади, бу эса кўрилатган мис кабел диаметридан бир неча марта кичик. Оптик толанинг бу хусусияти оптик кабелли линия трактларини қуришда анча енгилликлар яратади.

● **Ахборот хавфсизлиги юқорилиги.** Оптик толали кабеллар юқори ҳимояланликка эга бўлиб, толада нур узатилиши ҳеч қандай радио диапазонларга умуман кириб қолмайди, электр таъсирга эга эмас.

Бошқа тарафдан оптик толада узатилаётган нурнинг тўлқин узунлиги 1,55 мкм бўлганлиги сабабли унинг хавфсизлик даражаси юқори. Чунки бу нур тебраниш вақтида 1,55 мкм сатҳдан юқорига кўтарилмайдди, оптик толанинг қалинлигидан анча кичик.

Тарқалувчи оптик сигналларнинг интерференция эффектини қўлловчи тизимлар тебранишларга, босимнинг озгина оғишларига сезувчанлиги жуда юқори. Ҳукумат, банк ва маълумотлар ҳимоясига юқори талаблар қўйиладиган бошқа махсус хизматларнинг алоқа линияларини ташкил этишда бундай тизимлар, айниқса, зарурдир.

● **Ёнғиндан ҳимояланганлиги.** Оптик толада учқун ҳосил бўлмаслиги кимсвий, нефтни қайта ишловчи корхоналарда, портлаш ва ёнғин хавфи мавжуд биноларда хавфсизликни оширади.

● **Иқтисодий самарадорлиги.** Оптик тола кварцдан ишлаб чиқарилади. Унинг асосини табиатда кенг тарқалган кремний икки оксиди (SiO<sub>2</sub>) ташкил этади. Демак, оптик толали кабелларни ишлаб чиқариш учун ноёб рангли металл сарflanмайди. Мис ва кўрғошиннинг дунёвий захиралари чегараланган ҳозирги вақтда ноёб бўлмаган маҳсулотга ўтиш кабелли алоқа техникасининг келгуси ривожланиши учун муҳим омил ҳисобланади. Натижада оптик кабелларнинг нархи мис кабелларга нисбатан арзонлашади.

Оптик толали кабеллар сигналларни узоқ масофаларга ретрансляциясиз узатиш имконини беради. Узоқ масофали алоқа линияларида оптик кабелларнинг қўлланилиши ретрансляторлар сони қисқаришига олиб келади. Натижада сарф-харажатлар ҳам камаяди.

● **Фойдаланиш муддатининг узоклиги.** Тола вақт ўтган сари эскиради, яъни ётқизилган кабелларда сўниш аста-секин ошиб боради. Бироқ оптик тола ишлаб чиқариш замонавий технологияларининг мукамаллашуви бу жараёни секинлаштиради ва фойдаланиш муддатини узайтиради. Оптик толали кабеллардан фойдаланиш муддати жуда узок.

Ҳозирги кунда турли вазифали ва тузилишли оптик тола ва кабеллар ишлаб чиқарилмоқда. Кенг

полосали алоқа тизимлари, жумладан, магистрал алоқа учун толадан фақатгина асосий тўлқин тарқаладиган бир моддали кабелларнинг янги турлари ишлаб чиқарилмоқда. Магистрал алоқа линияларида сигнал узатишда толанинг сўниш ва дисперсия параметрларига ҳам юқори талаблар қўйилади. Бундан ташқари, оптик нурланиш қўбланиши сақланишини таъминловчи толалар ҳам ишлаб чиқарилмоқда.

Магистрал алоқада қўлланиладиган бундай кабелларни ишлаб чиқиш мураккаб ва қimmat. Бундай кабеллар қўлланилганда лазер узатгичлардан фойдаланилади. Лазер узатгичларга ҳам нурланиш спектрининг тозаллигига, нурланиш тасвирларининг барқарорлигига юқори талаблар қўйилади.

Оптик толали алоқа бир қанча афзалликларга эга бўлишига қарамай, камчиликлари ҳам мавжуд. Бу алоқа қурилмаларининг қimmatлиги ва баъзи оптик технологияларнинг мукамал даражага етмаганлиги билан тушунтирилади. Бунга боғлиқ ҳолда қуйидаги камчиликларни айтиш мумкин:

- элемент базасининг қimmatлиги. Оптик узатгич ва қабул қилгичларнинг нархи қimmat. Айниқса, лазер нурланиш манбаларининг нархи баланд ва хизмат қилиш муддати чегараланган. Шунингдек, пассив оптик қурилмалар (мультиплексор, коммутатор, аттенуатор ва бошқалар)ни ишлаб чиқариш ҳам катта сарф-харажатларга олиб келади;

- оптик толали алоқа линияларини монтаж қилиш ва хизмат кўрсатишининг мураккаблиги. Электр кабелли тизимларга нисбатан оптик кабелли тизимларни қуриш, улардан техник фойдаланиш, ўлчов ва монтаж ишлари мураккаб бўлиб, жуда юқори малакани талаб этади;

- толали махсус ҳимоялаш зарурияти. Микроёриқларда сигналларнинг йўқолмаслиги учун толали ортиқча юклаш ва букилишлардан ҳимоялаш керак. Махсус ҳимоялашни ташкил этиш, ишончликлани ошириш мақсадида оптик толали ишлаб чиқариш жараёнида тола эпоксиакрилад асосидаги махсус лак билан қопланади. Бундан ташқари, кабел махсус пўлат тросс ва шиша пластик стерженлар ҳисобига янада мустақамлашни мумкин.

Юқориде келтирилган камчиликлар ва нарҳининг нисбатан қimmatлигига қарамай, оптик толали кабелларнинг афзалликлари (энг биринчи навбатда, ўтказиш оралиғининг кенглиги) бу камчиликларни ортиги билан қафолатлайди. Оптик толанинг порлоқ келажига ҳали олдинда ва агарда келажакда бошқа бир янги узатиш муҳити кашф этилмаса, узатиш муҳити сифатида оптик узатиш муҳити ва электромагнит тўлқинлар ўртасида етакчилик учун кураш боришини тахмин қилиш мумкин.

Бобуржон АБДУХАЛИЛОВ,  
ТАТУ Фарғона филиали  
телекоммуникация  
факултети талабаси



## Кино ойлиги

Республика Вазирлар Маҳкамасининг “Кинематография соҳасини жадал ривожлантириш, унинг жамият маънавий-маърифий ҳаётидаги ролини ошириш ҳамда аҳолига киновидео хизмати кўрсатиш сифатини кўтариш тўғрисида”ги қарори ҳамда вилоят ҳокимлигининг “Баркамол авлод йили” Давлат дастурида белгиланган вазифаларни амалга татбиқ этиш мақсадида вилоятда “Кино ойлиги” ўтказиш белгиланган. Шу муносабат билан Фарғона шаҳар алоқа касб-ҳунар коллежида таниқли режиссёр ва актёрлар билан талабаларнинг учрашуви бўлиб ўтди.

Учрашувда Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар Исамат Эргашев, Машраб Кимсанов, ёш умидли актёр Умид Музаффаровларни томошабинлар олқишлар билан кўтиб олишди.

— Мамлакатимизда фаолият кўрсатган 50га яқин хусусий киностудиялар томонидан суратга олинаётган фильмлар ўз томошабинларини топмоқда, — деди режиссёр Исамат Эргашев. — Ҳаётини воқеийликлар сюжет қилиб кинога олинаётгани боис бўлса керак, бугунги ўзбек киносининг нуфузи ортиб бормоқда.

Шунингдек, актёр ва режиссёрлар ёшлар дунёқарашини ўстириш, Ватанга садоқат, кексаларга ҳурмат ҳиссини кучайтирувчи тарбиявий аҳамияти катта кинофильмлар суратга олишаётгани ҳақида гапирди.

Учрашув сўнгида киномухлисларга “Ишқалчи ошиқлар” фильми намойиш этилди. Меҳмонлар, шунингдек, Марғилон шаҳридаги “Увайсий” кинотеатрида ҳам учрашув ўтказишди.

Кино ойлиги вилоятнинг шаҳар ва туманларида уч ой давомида ўтказилиши режалаштирилган.

Муҳаммаджон МАҲМУДОВ

Бола ўз онасини ҳидидан танийди, деган ибора бор. Дарҳақиқат, чақалоқнинг соғлом ва ақлан баркамол бўлиб вояга етишида ҳеч бир озуқа она сутига тенглаша олмайди. Табобат-илмининг буюк олими Абу Али ибн Синонинг ўқитиришича, ер юзидagi тирик мавжудот ҳаёти учун қуёш нури қанчалик зарур бўлса, ўсаётган бола учун она сутини шунчалик зарур ҳисобланади. Она сутини энгил ҳазм бўладиган, етарли қувватга эга, табиий тайёр озуқадир.

Боланинг ҳазм аъзоларига монанд яратилган она сутини юқори қимматга эга оқсил, ёллар, карбонсувлар, витаминлар, ферментлар, гармонлар ва бошқа моддаларга бой маҳсулотдир.

Она сутини турли касалликларни чақирувчи вирус, микробларга қарши курашувчи омилларга бой бўлган ва болада иммунитет (касалликка қарши ҳимоя)нинг шаклланиш жараёнида қатнашади. Ундаги иммуноглобулинлар янги туғилган чақалоқни юқумли касалликлардан ҳимоя қилади.

Она сутидagi ҳимоя вазифасини бажарувчи оқсиллар болани аллергия ҳолатидан сақлайди. Шунинг учун ҳам она сутини эмаётган болада аллергия диатез ҳолати, шамоллаш, рахит, камқонлик, ич кетар ва бошқа касалликлар кам учрайди. Она сутини эмиб катта бўлган болалар, бундай сутга тўймаган ўз тенг-

қурлари орасида жисмонан бақувватлиги ва ақлан етуклиги билан ажралиб турадилар, жисмоний ривожланиш барвақт бошланади.

Она сутининг хусусиятларидан яна бири — боланинг асаб тизими шаклланишига ижобий таъсир кўрсатишидир. Жумладан, она сутидagi моддалар асаб тўқималарининг ўсишида ва ривожланишида қатнашиб, боланинг руҳий тетик ва ҳаётини қизиқувчан бўлиб ўсишига ёрдам беради.

Олимларнинг кузатишларидан маълум бўлишича, она сутини билан озиқланган болада миёна фаолияти икки баробар тез тараққий этади. Она сутини билан болага она наслига хос хусусиятлар, она меҳри, она фазилатлари ўтар экан. Бундан ташқари, она сутини бола тарбиясида, яъни болада меҳр-оқибат, садоқат, поклик, инсоф, одамийлик каби инсоний фазилатларнинг, маънавийнинг шаклланишида асосий омил бўлиб хизмат қилади.

М.САЙДАҲМЕДОВА,

Тошкент шаҳридаги 55-оилавий поликлиника маҳалла шифокори

➔ **ETYUD**  
Эндигина бош кўтараётган майсаларнинг ифор сочини баҳор фасли кириб келаётганидан дарақдир.

Шарқдан баҳор насими эсиб келди. Оламни безамоқ учун фирдавс йўлини очди. Оқ ранг кетиб, ерни алвон ранг қоплади. Олам ўзига оро бериб безанмоқ тараддудига тушди. Баҳорнинг илиқ нафаси шу қадар нафиски, инсон қалбида

юракларда муҳаббатнинг энг нозик, келинчак фаслга назар солсак, она ни, бегуборликни кузатамиз. Менимтиқлик билан кутса керак. Баҳор-айлаб, турли табиат гулшанига чорлаб, инсонни сеҳрлайди. Баҳорда тоғу тошларнинг, далаю боғларнинг, қир-адрларнинг кўм-кўк тусга кириши кўнглиларга илиқлик олиб киради. Баҳорнинг ажойиб ва қизиқарли яна бир хусусияти бор. Айнан шу фаслда байрамлар султони бўлмиш Наврўз айёми нишонланади. Ушбу байрамда ўзаро илиқ ва чиройли сўзлардан иборат табрик, меҳр-муҳаббат, гўзаллик ифорлари, тақорланмас туйғулар киши кўнглини ёшартиради, унга ҳузур бағишлайди.

Баҳор фасли қалбларга доимо эзулик ифорини сочин.

Малика КАРИМОВА,

Тошкент шаҳридаги 64-мактабнинг 9-“В” синф ўқувчиси

## ЎЗБЕКИСТОН АЛОҚА ВА АХБОРОТЛАШТИРИШ АГЕНТЛИГИ

Маълум қиладики, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 22 ноябрдаги 458-қарори билан тасдиқланган “Телекоммуникациялар соҳасидаги фаолиятни лицензиялаш тўғрисида низом”нинг 49-бандига асосан:

“Тадқиқотчи” кўп тармоқли фирманинг (Самарқанд ш.) аризасига мувофиқ ўз тармоғини ташкил этиш ҳуқуқсиз маълумотлар узатиш тармоқлари хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятига берилган АА серияли 0001133 рақамли;

“DALIAN TRAVEL” хусусий корхонасининг (Самарқанд ш.) аризасига мувофиқ ўз тармоғини ташкил этиш ҳуқуқсиз маълумотлар узатиш тармоқлари хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятига берилган АА серияли 0001178 рақамли лицензияларнинг амал қилиши 2010 йил 19 мартдан тугатилди.

“NERS ENERGI MOUNTING” масъулияти чекланган жамиятнинг (Тошкент ш.) аризасига мувофиқ шаҳарлараро телекоммуникация тармоқларини қуриш бўйича фаолиятига берилган АА серияли 0002192 рақамли;

“PREMIUM SVYAZ STROY” масъулияти чекланган жамиятнинг (Тошкент ш.) аризасига мувофиқ кўчма радиотелефон (мобил) алоқа тармоқларини лойиҳалаш ва қуриш бўйича фаолиятига берилган АА серияли 0002515 рақамли;

“SHAN SARDOR PLUS” масъулияти чекланган жамиятнинг (Тошкент ш.) аризасига мувофиқ маҳаллий телекоммуникация тармоқлари хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятига берилган АА серияли 0002455 рақамли;

“VIP UNIVERSAL SERVIS” шўъба корхонасининг (Тошкент ш.) аризасига мувофиқ маҳаллий телекоммуникация тармоқларини қуриш бўйича фаолиятига берилган АА серияли 0001741 рақамли;

“АВАДИ ЛЮКС ХИЗМАТ” масъулияти чекланган жамиятнинг (Анджон ш.) аризасига мувофиқ маҳаллий телекоммуникация тармоқларини қуриш ва фойдаланиш (техник хизмат кўрсатиш) бўйича фаолиятига берилган АА серияли 0002085 рақамли лицензияларнинг амал қилиши 2010 йил 30 мартдан тугатилди.

## ➔ АЛОҚАЧИЛАР IJODIDAN

### Бўларкан

Беш қўлни дейдилар эмас баробар,  
Кимдир яхши, кимдир ёмон бўларкан.  
Баъзида қувончдан шодлик кўнглинг,  
Баъзида гул рангинг сомон бўларкан.

Дейдилар, дунёни аслида бир кам,  
Эргашиб юраркан шодлик ила гам.  
Барига кўнаркан ноилж одам,  
Юракда орзуя армон бўларкан.

Ҳайда бахт топган чин бахтли инсон,  
Ҳаёт йўли доим нури, чароғон.  
Барчага азиз ва дўсту қадрдон,  
Шу бахтни топмаган сарсон бўларкан.

Борингда дўстларинг бўларкан бисёр,  
Ёнингда саф тортиб тураркан қатор.  
Ортиқча қувонма, бўлма умидвор,  
Йўнгингда барчаси “қуён” бўларкан.

Яхшилик, ёмонлик юраркан бирга,  
Бошларкан гоҳ яхши, гоҳ ёмон йўлга.  
Вақтида ўзингни олмасанг қўлга,  
Ҳаётда ҳамроҳинг пушмон бўларкан.

Эй, инсон, дунёга келсан бир бор,  
Хатога йўл қўйма, қўл урма зинҳор.  
Чалғима, ҳаётда адашсанг бир бор  
Бир умр қалбингда армон бўларкан.

Сойибназар СУЛТОНОВ,

Одилжон МИРЗАЕВ

Шаҳрихон почта алоқаси тармоғи ходимлари

## Табрик.май.ш.уз!

### “Фарғона Телеком”

филиали жамоаси Охунбоев туман телекоммуникациялар боғламаши ходими Муҳаммаджон ХОЛМАТОВни 55 ёши билан чин дилдан табриклайди. Унга тансиҳатлик, узоқ умр, фарзандлар роҳатини кўришликни тилайди.

\*\*\*

### “Ўзбекистон почтаси”

ОАЖ Фарғона филиали жамоаси Ёзёвон, Янгиқўрғон, Яйпан почта алоқаси тармоқлари ходимлари Эргашали КУРЧИЕВ, Муҳаббатхон ҚУРБОНОВА ҳамда Умаржон САИДМУРОДОВларни 50 баҳорни қарши олаётганлари билан самимий табриклайди. Уларга мустаҳкам саломатлик, узоқ умр, фарзандлар камолини кўришликни тилайди.

\*\*\*

### Қашқадарё вилояти

“Матбуот тарқатувчи” шўъба корхонаси жамоаси 6-матбуот дўкони сотувчиси Муассар УСМОНОВАни 55 ёши билан муबारакбод этади. Унга узоқ умр, тансиҳатлик тилайди.



## Ҳамюртларимиз

### ЮТУҒИ

Шу йилнинг 21-28 март кунлари Португалияда реал-айкидо бўйича жаҳон чемпионати ўтказилди. 14 тур бўйича ўтказилган мусобақаларда республика реал-айкидо федерацияси раиси Фахриддин Йўлдошев мураббийлигидаги Ўзбекистон терма жамоаси 4-ўринга сазовор бўлди. Унда Тошкент, Андижон ва Самарқанд айкидочилари жамланган эди.

Қизгин баҳсларга бой бўлган жангларда юртдошларимиз 11та медал олишга сазовор бўлишди. Шундан 7тасини федерациянинг Андижон вилоят бўлими раиси Валижон Иноятов мураббийлигидаги йигитлар қўлга киритишди. Эришилган 5та олтин медалнинг тўрттаси андижонликларга тегишли бўлиб, уларни кўргазмали чиқиш бўйича биринчи ўрин соҳиби бўлган мураббий Валижон Иноятов, фу контакт бўйича Риёд Ҳақимов (16 ёш, 55кг.), кўргазмали чиқиш бўйича Саидаъзамхон Султонов (16 ёш, 51 кг.), семи контакт бўйича Элёрбек Рустамбеков (10 ёш)лар олишга муваффақ бўлишди.

Учта кумуш медал ҳам андижонликларга насиб этиб, улар Фарҳод Соҳибжонов (9 ёш), Эркин Рустамбеков (12 ёш), Умиджон Қипчоқов (23 ёш)лардир.

В.АҲМАТХОНОВ

## “Насаф” — “Казма” — 0:0

ОФК кубоги “С” гуруҳидаги “Казма” ва “Насаф” жамоалари ўртасидаги ўйинда ҳисоб очилмади. Виктор Кумиков шогирдлари кўпроқ имкониятларга эга бўлишди, бироқ ҳужумчиларга аниқлик етишмади.

Тўртинчи тур ўйинлари натижаларидан сўнг, “Казма” — 10, “Насаф” — 7, “Ал Жаиш” — 4 ва “Ал Аҳад” — 1 очкога эга бўлиб туришди.

Кумиков шогирдлари кейинги турнир 20 апрел кuni Қаршида “Ал Аҳад”га қарши ўтказишади. Мазкур ўйиндаги ғалаба “Насаф”ни кейинги босқичга олиб чиқиши мумкин, агар “Ал Жаиш” ўша кuni Қувайтда очко йўқотса.

## Матбуотчилар ташаббуси

Самарқанд вилоятининг Оқдарё тумани “Матбуот уюшмаси” МЧЖ ташаббуси билан Наврўз байрамига бағишланиб шахмат-шашка турнири ўтказилди. Бу турнирда 85 нафардан ортиқ ҳаваскор шахматчи ва шашкачилар, мактаб ўқувчилари, коллеж талабалари иштирок этишди.

Қизиқарли беллашувларда голиблар номи аниқланди. Шахматдан 1-ўринни Мойқовоқ маҳалласидан Умид Абдуллаев, 2-ўринни Оқдарё ХТБ ўқитувчиси Талиб Исмоилов, 3-ўринни Лоиш маҳалласидан Қодир Иброҳимовлар эгаллашди.

Шашкачилар ўртасида 1-ўринни Мустақиллик маҳалласидан Ҳақим Мардиев, 2-ўринни Арпа маҳаллалик Маъруф Очилов, 3-ўринни Лоиш маҳаллалик Қодир Иброҳимовлар эгаллашди. Голиблар туман “Матбуот уюшмаси” МЧЖнинг диплом ва эсдалик совғалари билан мукофотланди.

Бурхон УМИРОВ,  
мусобақа ҳақами

## “UNICON.UZ”да спартакиада

Алоқа ва ахборотлаштириш соҳаси спартакиадасининг бошланғич босқичлари соҳа корхоналаридан ўтказилмоқда.

Шундай мусобақалардан бири “UNICON.UZ” ДУКда ўтказилди. Корхонанинг 50 нафарга яқин ходимлари спортнинг 4 йўналиши бўйича беллашди.

Стол тенниси бўйича Д.Аҳмедов голиб бўлди. Аёллар ўртасида эса Ш.Комиловага тенг рақиб топилмади. Қизиқарли ва мурасасиз кечган шахмат баҳсларида Б.Якубов, аёллар ўртасида эса М.Регина бош совринни қўлга киритди. Шашка мусобақасида А.Ўтабев, аёллар ўртасида Е.Синяшкينا энг яхши бўлишди.

А.Орифхўжаев эса турнирда тортинчи баҳсларида энг яхши натижа кўрсатди. Голибларга қимматбаҳо совғалар топширилди. Энди улар шаҳар босқичида корхона шарафини ҳимоя қилишади.

## ЕЧЛ: «Интер», “Барселона”, “Лион” ва “Бавария” ярим финалда

Европа Чемпионлар лигасининг 1/4 финал жавоб учрашувлари ўтказилди ва ярим финалчилар номи аниқланди.

ЦСКА ҳамда “Интер” ўртасидаги учрашувда миланликлар кичик ҳисобда ғалабага эришиб, кейинги босқич йўланмасини қўлга киритишди.

ЦСКА — “Интер” — 0:1 (дастлабки учрашув: 0:1)

Гол: Снейдер, 7

“Барселона” клуби “Арсенал”ни йирик ҳисобда мағлубиятга учратди. Учрашувдаги биринчи гол меҳмонлар ҳужумчиси Бендтнер томонидан киритилди, инглизларнинг биргина мана шу голига Леонел Месси тўртта гол билан жавоб қайтарди.

“Барселона” — “Арсенал” — 4:1 (дастлабки учрашув: 2:2)

Голлар: Месси, 21, 37, 42, 88 — Бендтнер, 18

“Манчестер Юнайтед” — “Бавария” ўйини жуда қизиқарли тус олди. Учрашувнинг бошидан ҳужумга ташланган “Қизил иблислар” 3 тўп фарқи билан олдинга чиқиб олди.

Йирик ҳисобда олдинда бораётган “Манчестер Юнайтед” вакиллари хотиржамликка берилишди ва натижада ўз дарвозаларидан икки бор тўп олиб чиқишга мажбур бўлишди.

“Манчестер Юнайтед” — “Бавария” — 3:2 (дастлабки ўйин: 1:2)

Голлар: Гибсон, 3, Нани, 7, 41 — Олич, 43, Роббен, 74

Чемпионлар лигасининг чорак финал жавоб учрашувида “Бордо” клуби 1:0 ҳисобида “Лион”дан устун келди, аммо бу ғалаба уларнинг кейинги босқичга чиқишига етарли бўлмади.

“Бордо” — “Лион” — 1:0 (дастлабки ўйин: 1:3)

Гол: Шамах, 45

Шундай қилиб, ярим финалда Италиянинг “Интер” жамоаси “Барселона” билан, “Бавария” эса “Лион” билан куч синашади.

## ОБЪЯВЛЕНИЕ

Введены с 1 апреля 2010 года новые тарифы по преискуранту № 125-1/3 на услуги телекоммуникаций, оказываемые оператором специальной связи.

ГУП “Республиканский узел специальной связи”

### Ўтганларнинг охираги обод бўлсин

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги жамоаси “Ўзбектелеком” АК “Ўзбектелеком Мобайл” филиали директори Баҳодир Нурматовга падари бузруквори  
Ҳамидулла НУРМАТОВнинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

“Бухоро Телеком” филиали, ЎзАААнинг вилоят ҳудудий бошқармаси, вилоят алоқа ходимлари бирлашган касба уюшмаси қўмитаси жамоалари ҳудудий бошқарма бошлягининг ўринбосари Фахриддин Аллаевга онаси  
Рўзигул АЛЛАЕВанинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

“Ўзбектелеком” АК жамоаси “Ўзбектелеком Мобайл” филиали директори Баҳодир Нурматовга отаси  
Ҳамидулла НУРМАТОВнинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

“Ўзбектелеком Мобайл” филиали жамоаси филиал директори Баҳодир Нурматовга падари бузруквори  
Ҳамидулла отанинг вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

ЎзААА Наманган вилояти ҳудудий бошқармаси ҳамда “Наманган Телеком” филиали жамоалари вилоят алоқачиларининг устози, меҳнат фахрийси  
Ҳамидулла НУРМАТОВнинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оида аъзоларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

## Xabar

МУАССИС:

ЎЗБЕКИСТОН АЛОҚА ВА АХБОРОТЛАШТИРИШ АГЕНТЛИГИ

Бош муҳаррир:  
Абдусайд КҮЧИМОВ

### ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Ҳақим МУҲИТДИНОВ  
(Ҳайъат раиси)  
Асаджон ХҲҲАЕВ  
Миродил САНГИЛОВ  
Шухрат СОДИҚОВ  
Шухрат АТАМУҲАМЕДОВ  
Сувон НАЖБИДИНОВ  
Рустам ҚОСИМОВ  
Содиқжон ҚОСИМОВ  
Абдугани АБДУРАҲМОНОВ  
(Бош муҳаррир ўринбосари)  
Лутфилло ТУРСУНОВ  
(масъул котиб)

Газета  
Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 0016 рақами билан 2006 йил 6 декабрда рўйхатга олинган.

Жума куни чиқади

### МАНЗИЛИМИЗ:

100060, Тошкент-60,  
Т. Шевченко кўчаси, 17-уй.  
Тел.: 233-36-48; 233-80-20,  
236-35-29.  
Факс: 236-36-42.  
E-mail: info@xabar.uz

Тахририятга келган қўлёзма ва суратлар эгаларига қайтарилмайди.

Муаллифларнинг фикрлари тахририят фикридан фарқланishi мумкин.

Наширимиздан кўчириб босилганда “Хабар”дан олинганлиги кўрсатилиши шарт.

Тижорий материал — 1  
Реклама матнларининг тўғрилик-лиги тахририят жавобгар эмас.

Рақам ва далилларнинг ҳаққонийлиги учун мақола муаллифи масъулдир.

Газетани тайёрлашда интернет материалларидан ҳам фойдаланилади.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида чоп этилди.  
Манзил: Тошкент шаҳри,  
“Буюк Турон” кўчаси, 41-уй.

G-302 сонли буюртма.  
Офсет усулида босилди.  
Қоғоз бичими А-3, ҳажми 4 босма табақ,  
Адади: 17425 нуска.

Баҳоси келишилган нархда.  
Обуна индекси — 228.

Газета тахририят компютер базасида терилди ва саҳифаланди.

Дизайнер: Аслиддин БҲҲРИЕВ.  
Навбатчи: Лутфилло ТУРСУНОВ.

ISSN 2010-6424

Босишга топширилди — 20.00.  
Босишга топширилиш вақти — 20.00.

1 3 4 5



Раҳбар аёл анча йиллардан бери ишлаб келади. Ишни ташкил этиш, уддабуронлиги анча-мунча мансабдорларни шошириб қўяди. Ҳаммаси яхши-ю, битта “но”...си бор. Тушунтириброк... дейсизми, эшитинг.

Ишхонада душанба оғир кун. Эрталабдан йиғилиш. Ўтган ҳафта қилинган ишлар сарҳисоби-ю, бу ҳафта режалари.

Раҳбарнинг хонасида узоқ тумандан келган Насибохон (у ҳам амалдорлардан) эшитган гапларини гапирмоқда. Гап орасида барча раҳбарларга қисқача тафсилот берилиб, гийбат қилинди.

Ёрдамчи эшикни очиб, йиғилишга ҳамма жам бўлганини билдиргач, Раҳбар:

— Насибохон, бир оз кутиб тур. Мен тезгина йиғилишни ўтказаман. Сўнг суҳбатимизни давом эттирамиз, — деди.

Раҳбар камчиликка йўл қўйган ходимларни танқид қилиб, белгиланган режаларни бажариш бўйича қимматли топшириқлар бергач, хонасида Насибохон билан суҳбатни давом эттирди.

— Насибохон, сизларда ишлаётган аёл, оти нимаиди, Гулбаҳор шекилли, уёқ-буёққа ҳаракат қилиб юрганмиши?

— Эй, опа, енгилтак куюлмади, ачиб суюлмади. Унга фақат мансаб, лавозим бўлса. Бу йўлда ҳамма нарсани беради, ҳатто ўзини ҳам, — дея ҳиринглади Насибохон. — Эсингиздами, илгари ҳам туман раҳбарлари билан гап бўлганди.

— Оиласи, эри, болалари борми?

— Эр номига, учта боласи бор. — Дарвоқ, сизда бўлим бошлиғи Алимардон бор-ку, шу ҳам учрашиб турармиш, лавозимга ёрдам бераман, депти.

— Вой, қилтириге! Ўзини ҳудожўй кўрсатадиган Алимардон-а?.. Айтганча, икки ой олдин меҳнат таътили беринг, қишлоққа бораман деб, кирган эди. Ичидан пишган, хотинбоз, сени боглайман ҳали. Яқинда касабакўм раиси кирувди. Алимардоннинг болалари кўп, тоза виждонли, пок инсон, нима иш бўлса йўқ демайди, озгина моддий ёрдам берсақ, деб. Вой илон ёғи ялаган ярамас-е!

— Опа, биласиз, мен ўзингизникиман. Сизга жоним ачийди. Сизга ёмон бўлса, мен чидай олмаيمان. Ўринбосарларингиздан ҳам эҳтиёт бўлинг, уларга ишон-

манг. Пайт топиб сизни йиқитса-ю, ўрнингизга ўтирса, ҳаммаси шунақа.

— Тўғри айтасан, қайси кун анови бетта чопар ўринбосарим кириб: “Опа, ишхона-ишхонамас фиску-фасолхона бўлди. Мишмишларга чек қўйилик. Шу ишни ўзимиздан бошлайлик”, дейди. Ўзику хотини ҳисобига яшайди. Байрам, туғилган кунда гул беришдан бошқасига ярамайди. Зиёфатларда ким нима деркан деб гап пойлайди. Насиба-

# Мен ўзингизникиман

хон, девонхонадаги Лобархон борку, шунга Алимардон қилиб юрган ишларни гапир. Унинг лақаби “Информбюро” бутун вилоятга ёяди. Озгина кўшгин, ўша ёқда махсус уйда учрашар экан, кимдир расмга олибди, яп-яланғоч расмини кўрдим, де. Бу, ишинг зўр бўлади. Қани, миш-миш нима билан тугаркан. Тез-тез кеб тур, бўлмаса зерикиб қоламиз.

Насибохон ва “Информбюрохон” ўз вазифасини сидқидилдан бажарди. Натижада, Алимардон ишхонада бошини кўтаролмай қолди. Яхшиям рафиқаси зийрак, меҳрибон аёл.

— Эътибор қилманг. Мен, болаларимиз, сизни ниҳоятда ҳурмат қиламиз, самимий, ажойиб инсонсиз. Қариндош-уруғлар ҳам қандайлигингизни яхши билишади. Олтинга лой теккани билан кир бўлмайди, артсангиз ярқираб тураверадилар, — деб овуғли.

Шумхабар Гулбаҳорни ҳам йиқитди. Атрофдагиларга мўлтайиб қараб, ахир, бу гирт тухмақ, иғво, дейишдан бошқа нарсани билмас эди.

Раҳбар бўлиб ўтаётган воқеалардан завқланарди.

— Ажаб бўпти, баттар бўлларинг! — дея роҳатланар, Насибохонга бошла уларни, “Информбюрохон”га айт. Қаттиқроқ ишласин, — деб баттар оловга мой сепарди.

Иш ниҳоятда чигаллашиб кетди. Алимардоннинг хотини адвокат ёллаб, Алимардон ва Гулбаҳорга ариза ёздириб, барча тафсилотларни тегишли органларга тушунтирди...

Раҳбар мағрур, яхши хаёллар билан кофе ичмоқда, кайфияти аъло. Қабулхонадаги ғала-ғовур овози уни безовта қилди, норози бўлиб кўнғироқ тугмачасини босди. Ёрдамчи ранги оқариб хонага кирди.

— Опа, Лобархон кирмоқчи, мен киргизмадим, — деди.

— Чақир, кирсин, янгиси бор эканми, тез чақир.

— Опа, вазият чатоқ, — ваҳимали гапирди ёрдамчи. — Насибохон опани олиб кетишибди, Лобархонга ҳам чақирув қоғози келибди.

— Нима, кимни, нимага? — шахт билан ўрнидан тўрди Раҳбар.

— Опа, қонунда бировга тўхмат қилган, била туриб ёлгон гапирган, бошқа бир шахсни шарманда қилувчи уйдирмаларни тарқатганларга жазо бор экан. Насибохон опа ва Лобархон шунақа ишлар билан шугулланибди. Алимардон ака билан Гулбаҳор опа буларнинг устидан арз қилишган экан. Энди суд бўлармиш.

Бундай шум хабарни кутмаган Раҳбар беихтиёр қичқириб юборди:

— Қанақа суд?! Нимага суд бўлади, кимни суд қилади? — Сўнг нимадир эсига тушгандек: — Ия, вой ярамастар-эй. Бировга бўҳтон қилишибди? Тўхмат ёмон нарса, болаларига, оиласига уради. Яхшимас, судимиз энг одил суд. Бунақаларни жазосини бериш керак. Шунақа ҳам пастлик бўладими. Ноинсофлар! — деди.

— Опа, ҳаммаси тўғри, — бўғилброқ гапирди ёрдамчи. — Лекин Насибохон опа ҳам, Лобархон ҳам, бу бўҳтонларнинг бошида сиз турибсиз деб, тергов органларига кўрсатма беришибди. Шунга сизни судга чақиришпти...

— Нима?! Тўхматчи-қасамхўрлар, уларни қасам уради, “ўзингизникиман” “ҳеч кимга айтмайман” деб, қасам ичган эди-ку! Мендек одам шундай паст, расво иш билан шугулланадими. Нима, мен... Ёлгон, тўхмат... Вой, юрагим, тез... “Тез ёрдам” чақир! “Тез ёрдам”...

Нур МУҲАММАД

## НАҲИЯ

## БИЛИМГИЗНИ SINAB KO'RING

Жаҳондаги дастлабки компакт дисклар қачон ва қайси компанияда ишлаб чиқарилган?

“Xabar”нинг 14 (915)-сонда эълон қилинган “Юртимизда биринчи тошбосма қачон ва қаерда ташкил этилганлигини биласизми?” саволига жавоблар:

— Биринчи тошбосма нафақат юртимизда, балки Ўрта Осиё республикалари ичида биринчи бўлиб, 1874 йилда Хивада ташкил этилган.

Зухра РАМАЗОНОВА,  
журналист, Бухоро вилояти

— Ўзбекистон билимдонлар юрти. Биринчи тошбосма Хоразм вилояти Хива шаҳрида қурилганлигидан фахрланаман.

Маҳбуба ҚОДИРОВА,  
Асака шахри

## ШИФОКОР ГУЛЛАР

Гуллар ўзининг жозибадорлиги билан дилларга ором бериб, кўзни қувонтиради. Уларда, шунингдек, даво хусусиятлари ҳам бор. Масалан;

### Сўгалга

Фигус барглари ни майдалаб, 1/4 миқдордаги олма сиркасига қўшасиз ва 3-5 кун давомида тиндириб қўясиз. Тайёр малҳамга пахта ни ботириб, сўгал чиққан жойни ҳар кун иртангиз, бир неча кунда ундан халос бўласиз.

### Ярага

Шилинган, кўзарган жойлар тез тиши учун чиннигулли малҳамдан фойдаланиш мумкин. Бунинг учун чиннигулли майдалаб, ярим стакан оддий одеколонга солинг ва 10-15 кун салқин жойда сақланг. Малҳам тайёр.



## МАШҲУРЛАР ҲАЁТИДАН

Қадимги юнон файласуфи Афлотундан сўрабдилар:

— Бахтсизликка учраган одам ўзига ўзи қандай таскин бериши мумкин?

У жавоб берибди:

— Доно одам бошига тушган мусибат тақдир тақозоси эканлигини англаб, ўзини юпатади. Аҳмоқ эса ўзи учраган бахтсизликка бошқалар ҳам мубтало бўлишини орзу қилиб, ўзини юпатади.

## СИЗ ҚАНДАЙ ИЗОҲЛАЙСИЗ?



Изоҳ: Зоонтернет

## БУ — ҚИЗIQ

### МАХЛУҚЛАР ҲАҚИҚАТАН МАВЖУДМИ?

Биз балиқда эшитган эртақларимиздан турли хил махлуқлар ҳақида маълумотга эгамиз. Хўш, улар ҳақиқий ҳаётда ҳам мавжудми?

Ҳимолай тоғларида бундан юз йил олдин бўйи 3 метр келадиган баҳайбат махлуқни кўришган. Бутун балани қалин жун билан қопланган махлуқ Непал ва Хитой бўйлаб қадам ташлаган. Кўп кишилар уни кўрган. Унинг оёғи одамларникига ўхшаш, аммо роса улкан.

Бу ҳақда кўп маълумотни британиялик Дон Виллианс келтиради. Чунки у 1970 йил Непал тоғларида Йети номи махлуқнинг Ой шуъласида 20 дақиқа мобайнида қор билан уйнаётганини кўзатган. Эртаси куни Дон қорда катта оёқ изларини кўради. Изларнинг узунлиги 35, эни эса 18 сантиметрдан кам эмасди.